

Ш А Р Т Н О М А
(Лойиҳа-смета ишларини бажариши ҳақида)
12-2022-сонли

2022 йил “27” Март

Самарканд шаҳри

Бир томондан, “Самаркандсувқурилишинвест” давлат муассасаси номидан унинг Низоми асосида ҳаракат қилувчи директори В.Рахимов (қуйида “Буюртмачи” деб юритилади);

Иккинчи томондан, “Сувлойиҳа”ДУК Самарқанд вилоят филиоли номидан унинг Устави асосида ҳаракат қилувчи Директор З.Х.Джурабеков (қуйида “Бажарувчи” деб юритилади) лар ушбуни қуйидаги мазмунда тузамиз:

I.ШАРТНОМА НАРСАСИ (ПРЕДМЕТИ), ҚИЙМАТИ ВА МУДДАТИ

1.1 Пахтачи туманидаги “Сувли” каналининг 0,2 км қисмини ва ПК 138+00, ПК 152+00 ПК 153+00 ларда жойлашган сел иншоотларини реконструкция қилиш.

1.2. Бажариладиган иш қиймати :**11 500 000** (Ўн бир миллион беш юз минг) сўмни ҚҚС билан бирга ташкил этади.

шундан **2022 йилда 30% бўнақ маблағи 3 450 000 (Уч миллион турт юз эллик минг)сўм 2022 йил 10% 1 150 000 (Бир миллион бир юз эллик минг) сўмни** қурилиш даврида муаллиф назорати, Қолган **6 900 000 (Олти миллион туққиз юз минг) сўм** лойиҳа ишларини тугатган, давлат экспертиза бошқармасидан хулоса олингандан кейин, қўшимча келишув, далолатнома, ҳисоб фактура ва ҳисоботларга асосан тўлиқ ҳисоб-китобни бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

1.3.Бажарилиш муддати: Шартнома руйхатдан ўтган кундан 2022 йил 31 декабргача.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

2.1. Бажарувчи: Буюртмачи томонидан берилган техник топшириғи ва бошқа бирламчи маълумотлари асосида ишларни ўз вақтида ва сифатли бажаради;

- Лойиҳа-смета ҳужжатларини топширикда кўрсатилган талаблар ва лойиҳа норматив ҳужжатлари асосида тайёрлайди;

-Бажарилган ишларни буюртмачи билан келишиб, этапма-этап олиб боради;

-Шартномада белгиланган муддатда буюртмачига сифатли ва амалда бажарилган ишлар ҳужжатларини тақдим этади.

-Шартнома асосида бажарилиши лозим ишларни буюртмачининг розилигисиз3-шахсларга топширмайди. Буюртмачига ишларнинг сифати бўйича назорат қилиб боришига қаршилик қилмайди.

2.2. Буюртмачининг хуқуқ ва мажбуриятлари:

-Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар ҳужжатларини миқдор ва сифат жиҳатидан текшириб, тўлиқ холда қабул қилиб олади.

-Шартноманинг 1.2, 3.1-бандлари талаблари бўйича тўловларни ўз вақтида бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

-Шартномада кўрсатилган ишларни бажаришда, бажарувчига объектни жойлашуви, бирламчи маълумотларни ва қурилиш ишлари ўтказилганидан кейин кутилаётган натижалар ҳақида маълумот беради.

- **Хуқуқи:** Бажарувчи томонидан бажарилаётган лойиҳалаштириш ишларини сифати бўйича назорат олиб боради.

III. ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

3.1. Буюртмачи Бажарувчига лойиҳалаштириш ишларини бажариш учун аванс тариқасида 30% миқдорида **3 450 000 (Уч миллион турт юз эллик минг)сўм сўмни** Вилоят ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтгандан кейин тўлаб беради. Шартномавий қийматнинг қолган қисмини Бажарувчи лойиҳа ишларини тугатган, давлат экспертиза бошқармасидан хулоса олингандан кейин, қўшимча келишув, далолатнома, ҳисоб фактура ва ҳисоботларга асосан тўлиқ ҳисоб-китобни бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

IV. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари 3 нусхада тўлиқ ёки этапларга бўлиб, юк ҳати билан Буюртмачига топширилади.

4.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини қабул қилиб олгандан сўнг 10 кун ичида кўриб чиқиши ва Бажарувчига акт-ҳисоб-фактура тақдим қилиши ёки бажарилган ишни қабул қилмаслик ҳақида асосли ҳужжатни юборади.

4.3. Лойиҳа-смета ҳужжатлари муддатдан олдин бажарилган ҳолларда ҳам, буюртмачи қабул қилиб, тўловни амалга оширади.

4.4. Шартнома нарсаси тўлиқ бажарилмаганлиги аниқланган ҳолларда Буюртмачи томонидан асосли равишда Бажарувчига қайтарилади. Бунда иккала томон иштирокида далолатнома тузилиб, тўлиқ бажарилиш чора ва муддатлари белгилаб олинади.

V. Томонларнинг мулкӣ жавобгарликлари:

5.1. Бажарувчи шартномавий мажбуриятларини бажаришни кечиктирган ҳолларда бир марталик 25 фоизли жаримага тортилиб, кечиктирилган хар бир кун учун бажарилмаган иш қийматининг 0,4 фоиз миқдоридан ва шу қийматнинг 50 фоизидан ошмаган даражада пеня ҳисоблаб борилади.

5.2. Буюртмачи тўловни кечиктирганда хар бир кун учун 0,4 фоиз миқдоридан ва кечиктирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня ҳисобланиб борилади.

5.3. Шартнома ўзаро келишув билан бекор қилинган ва бошқа ҳолатларда, ўзаро етказилган моддий зарарлар айбдор томондан қопланади.

VI. Бошқа шартлар:

6.1. Ушбу шартнома иккала томоннинг ўзаро келишуви билан бекор қилиниши мумкин.

6.2. Низоли масалалар ўзаро келишув йули билан ҳал этилмаган тақдирда, Иқтисодиёт суди орқали амалдаги қонунчиликлар асосида ҳал этилади.

6.3. Томонларга боғлиқ бўлмаган (форс-мажор) ҳолатлар Ўз.Р. 349-350 моддалари билан тартибга солиниб, томонлар ўз мажбуриятларини бажара олмай қолганда, бир-бирларини ўз вақтида огоҳлантирган ҳолларда жавобгарликдан озод этилади. Шартномада кузда тугилмай қолган ҳолатлар амалдаги қонунчилик асосида ҳал этилади.

6.4. Барча ўзгариш ва қўшимчалар ёзма равишда тузиладиган қўшимча келишув баёни билан расмийлиштирилиб, ушбу шартномага илова қилинган ҳужжатлар қаторида ажралмас қисми ҳисобланади.

6.5. Шартнома 2 нусхада Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва Ўз.Р. "Хўжалик субъектлари шартномавий-ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш тўғрисида"ги 1998 йил 29 август қонунини талаблари асосида тузилиб, Вилоят ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади. Бу муддатнинг ўтиши амалга ошмай қолган ҳисоб-китобларни тўлиқ бажарилишига тусқинлик қилмайди.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ:

"Самарқанд сув қурилиш инвест" ДМ
Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар

М.Улуғбек кўчаси, 62 ўй

ш/х/ р: 10001086018401749801170113

Марказий банк Тошкент шаҳар

МФО: 00014 ИНН: 201842014

ОКЭД: 70220

Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ғазна х/в: 23402000300100001010

ИНН: 201122919 МФО: 00014

ОКОНХ: 97160

Директор:  В.Рахимов

Юрист:  М.Ахмедов

Диплом №259425 28.06.1979й

Бажарувчи

Номи: "Сувлойиха" ДУК Самарқанд вилоят филиали

Манзил: Самарқанд шаҳар М.Улуғбек 62 ўй

Банк номи: АКБ "Турон"

Самарқанд филиали

Х/р: 2021 0000 5053 3101 6001

МФО: 00282

СТР: 207 332 028

ОКЕД: 71120

Телефон: (66) 233-11-56

Директор
САМАРҚАНД
ВИЛОЯТИ
ФИЛИАЛИ

 З.Х.Джурабеков



ИШ ГРАФИГИ

ШАРТНОМАГА АСОСАН ИШЛАРНИ БОШЛАНИШ ВА ТУГАЛЛАНИШ САНАСИ

1	Пахтачи туманидаги “Сувли” каналининг 0,2 км қисмини ва ПК 138+00, ПК 152+00 ПК 153+00 ларда жойлашган сел иншоотларини реконструкция қилиш.	19 мартдан 2022 йилдан 22 апрелгача 2022 йилгача
---	--	---

Буюртмачи:



В.Рахимов

Бажарувчи:



З.Х.Джурабеков

№ 12-2022 шартномага илова
« 27 » март 2022 йил

Пахтачи туманидаги “Сувли” каналнинг 0,2 км қисмини ва ПК 138+00, ПК 152+00 ПК 153+00 ларда жойлашган сел иншоотларини реконструкция қилиш.

ХИСОБ –КИТОБИ.

Буюртачи ташкилот номи: “Самарқанд сув қурилиш инвест” ДМ
Бажарувчи лойиха номи: : “Сувлойиха” ДУК Самарқанд вилоят филиали директори

№ п/н	Бажариладиган ишлар номи	Қиймати (сум)
1	Лойиха ишлари	5 400 000
2	Геодезик қидирув ишлари	3 450 000
3	Муаллифлик назорати 10%	1 150 000
4	Лойиха смета хужжатлари нархи	10 000 000
5	ҚҚС 15%	1 500 000
6	Лойиха смета хужжатлари ҚҚС билан	11 500 000

Жами ЛСХ нархи ҚҚС билан 11 500 000 сўм; шундан ҚҚС 1 500 000 сўм

Лойиха ишлари

№	Харажаттурлари	Лойихава дала кидурув ишлари учун нархлар белгилаш.	Жами сумма
1	Пахтачи туманидаги “Сувли” каналнинг 0,2 км қисмини ва ПК 138+00, ПК 152+00 ПК 153+00 ларда жойлашган сел иншоотларини реконструкция қилиш. Курилишни бошлангич нархи- 246 100 000 сум. 214 000 000 сум ҚҚС сиз	Положения о порядке определения стоимости проектно-изыскательских работ, утверждённое приказом №396 Министерства Строительства Р. Уз от 19.08.2019 г Приложение №3 п.6, ПИР = 5 %	214000000 x 0,05373831775=11500000
	ЖАМИ		11 500 000

Директор



З.Х.Джурабеков

ШАРТНОМА НАРХИНИ КЕЛИШИШ БАЁНИ

№ 12 - 2022 сонли шартнома
« 28 » март 2022 йил

Ишларноми:

Пахтачи туманидаги “Сувли” каналнинг 0,2 км қисмини ва ПК 138+00, ПК 152+00 ПК 153+00 ларда жойлашган сел иншоотларини реконструкция қилиш.

Биз, куйида имзо чекувчилар, "Буюртмачи" номидан. В.Рахимов ва "Бажарувчи" номидан "Сувлойиха" ДУК Самарқанд вилоят филиали директори З.Х.Джурабеков 2021 йил 18 мартдаги лот №48408 сонли танлов Баённомасига асосан ишлаб чиқиладиган лойиха смета хужжатлари шартнома нархи **11 500 000** (Ўн бир миллион беш юз минг) сўм билан келишилди.

Мазкур Баённома "Буюртмачи" ва "Бажарувчи" ўртасида бўладиган хисоб-китоб ва тўловларга асос бўлади.

Буюртмачи:



В.Рахимов

Бажарувчи



З.Х.Джурабеков